

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

УМЕРОВ ФИКРЕТ ШЕВКЕТ ОҒЛУ

**МЕХАТРОН БОШҚАРУВ ТИЗИМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ
ДВИГАТЕЛЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИОН КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
АСОСЛАШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in technical sciences**

Умеров Фикрет Шевкет оглу

Мехатрон бошқарув тизимли автомобилларни двигателларини
эксплуатацион кўрсаткичларини асослаш 3

Умеров Фикрет Шевкет оглу

Обоснование эксплуатационных показателей двигателей автомобилей с
мехатронной системой управления 24

Umerov Fikret Shevket oglu

Justification of the performance indicators of engines of vehicles with a
mechatronic control system 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

УМЕРОВ ФИКРЕТ ШЕВКЕТ ОҒЛУ

**МЕХАТРОН БОШҚАРУВ ТИЗИМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ
ДВИГАТЕЛЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИОН КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
АСОСЛАШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида № В2020.4.PhD/Т2004 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида бажаришган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш
веб-саҳифаси (www.tau1.uz) ва "Ziyouet" Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz)
жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Иноятходжаев Жамшид Шухратуллович, техника фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Мухитдинов Аюгал Анварович, техника фанлари доктори, профессор Калауов Сайдулла Аймиханович, техника фанлари номзоди, доцент
Етказчи ташкилот:	Фарғона политехника институти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги
DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «15» «10» соат 10⁰⁰
даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100167, Тошкент, Одилхожаев кўчаси, 1-уй.
Тел./факс: (998-71)-277-54-87, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).


Диссертацияси билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс
марказида танишни мумкин 035 рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 100167,
Тошкент, Одилхожаев кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (998-71)-277-54-87, e-mail:
tashiit_rektorat@mail.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «08» «10» кунин тарқатилди.
(2021 йил «08» «10» даги «7» рақамли реестр баённомаси).




А.А.Рискулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор


Р.М. Худийкулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, PhD, доцент


А.А.Мухитдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш кенгаши илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда автомобилсозлик саноати ривожланган автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан автомобилларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини яхшилаш учун мехатрон тизимларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Ҳозирги кунда жаҳонда амалиёти асосий муаммолардан бири бу, энергия ва ресурслардан самарали фойдаланиш, ҳамда автомобилларни двигателларини эксплуатациясида атроф-муҳитни асраш. Ушбу диссертация тадқиқоти долзарб ва муаммонинг мехатрон бошқарув тизимли двигателларнинг ишлашини асослаш орқали аниқ ечимга қаратилган. Германия, АҚШ, Япония, Франция, Италия, Жанубий Корея, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда бу муаммолар ўрганилмоқда.

Жаҳонда сўнги йилларда ва яқин келажакда автомобиль тизимларидаги асосий янгиликлар мехатроника билан боғлиқ. Автомобилларда мехатрон тизимларнинг ривожланиши автомобилнинг барча тизимларини бошқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда ва йилдан-йилга автомобилсозлик саноатида ишлаб чиқиш ортиб бормоқда. Автомобилларнинг учта асосий қисми – двигател, шасси ва интерер механик элементларни ўзгариш, шунингдек уларга мехатрон бошқарувни жорий этиш орқали модернизация қилинмоқда. 2017 йилга келиб вазият кескин ўзгарди ва кўрсаткичлар қуйдагича бўлди: мос равишда 100 ва 80 фоиздан кўпроқ. Электрон тизимлар сонининг кўпайиши уларнинг автомобил нархидаги улушининг ошишига олиб келди: 2018 йилда бу 18 фоизни, 2020 йилда – 40 ни, 2030 йилги прогноз эса 50 фоизни ташкил этади. Бундай ўзгаришлар электроникадан фойдаланиш орқали қўшимча функция ва самарадорликларни ишлаб чиқишга олиб келади. Табиийки, замонавий электроника ютуғларини қўллаш, компонентларни ва конструкцияни нархини сезиларли даражада ўзгартиради ва такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда автомобилсозлик иқтисодиёти етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакат автомобилсозлик саноатининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 3,6 %, саноат соҳасида -11,7%, бюджетга солиқ ва бошқа тўловлар кўринишидаги тўловлар - 1,6 трлн. сум. (2018 й.). Ҳар йили 250 мингтагача автомобил ишлаб чиқорилади, 2019 йилда автомобиллар ишлаб чиқариш 270 минг донага етди. Сўнги пайтларда Ўзбекистонда автомобиллар оқимининг кўпайиши шаҳар йўларида тирбандлик муаммосига олиб келди. Бу, бир қатор салбий ҳодисаларни келтириб чиқаради, лекин уларнинг энг сезиларлиси транспорт воситаларининг экологик ва иқтисодий хавфсизлиги муаммолари. Бугунги кунда, двигателнинг экологик кўрсаткичларини таминлаш учун ёнилғи самарадорлиги ва ёнилғининг сифатига бўлган талаб, двигателнинг конструктив параметрларини ўзгартириш, унинг тизимларини оптималлаштириш, шунингдек мехатрон бошқарув тизимларини қўллаш орқали ҳал қилинадиган энг муҳим вазифалардан биридир. Замонавий двигателдаги жараёнлар мехатрон тизимлар томонидан бошқарилади, улар автомобилнинг барча тизимлари билан алоқада, шу жумладан осмалар, рул ва

тормоз бошқарув тизимлари билан ҳам. Йилдан йилга автомобилсозлик саноатининг ривожланиш тенденцияси, иқтисодий самарадорликка нисбатан қатъий талабларга, шунингдек, автомобиллар газ чиқиндиларига нисбатан талабларни оширилишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5647-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4397-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Мехатрон бошқарув тизимига эга автомобил двигателларининг ишлашини асослаш йўналиши бўйича ишлар, асосан жаҳон автомобилсозлик саноатининг етакчи тадқиқот ва дизайн марказларида олиб борилмоқда. Мехатрон тизимлардан фойдаланиш ва уларнинг куч агрегатларини бошқариш тизимида қўлланилишини асослаш йўналишида “Toyota” (Япония), “Nissan” (Япония), “Hyundai” (Жанубий Корея) компаниялари ишлайди; “General Motors” (США), “Ford” (США), “BMW”, “Mercedes-Benz” (Германия), “Fiat” (Италия) компаниялари ҳам автомобил ва двигателларда мехатрон бошқарув хусусиятларини ўрганиш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Мехатрон бошқарув тизимлари двигателнинг актуаторларини, двигател ва автомобилни электрон бошқариш тизимига мослаштириш имконини беради. Датчиклар, актуаторлар ва бошқарув дастурларига қараб, улар ҳар хил муаммоларни ҳал қилади ҳамда двигателлар ва автомобилларни эксплуатациясида турли хил оптималлаштириш усулларидан фойдаланади.

Бироқ Ўзбекистонда, маҳаллий автомобилсозлик саноатида қўлланиладиган ишлаб чиқариш жараёнлари учун юқорида айтиб ўтилган марказларининг тайёр тадқиқот натижаларидан фойдаланилади. Шундай қилиб, мехатрон бошқарув тизимлари билан боғлиқ муаммолар автомобилсозлик саноатида долзарб ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Автомобил двигателларининг мехатрон тизимлари ва уларнинг ишлаши бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар дунёнинг бир қатор илғор тадқиқот марказлари ва тадқиқот университетларида олиб борилади.

Мехатрон тизимларни автомобил двигателларида қўллаш ва уларнинг эксплуатацияси муаммолари бўйича К.Р.Гильмияров, А.А.Гуммель, И.А.Большенко, В.Н.Тимошков, А.Р.Зайцев, К.Л.Слитников, А.К.Гиряцев, Д.А.Уханов, М.Г.Петров, В.А.Стуканов, В.К.Вахламов, В.В.Ермаков, С.А.Яков, Х.Счонер, Даниелс ва Ж.Кайсер каби олимлар иш олиб борган. Ўзбекистонда эса, бу йўналишда О.В.Лебедев, С.М.Кадыров, А.А.Мухитдинов, Э.З.Файзуллаев, Ж.Ш.Иноятходжаев ва А.А.Шермухамедовлар шуғулланишган.

Бироқ, мехатрон бошқарув тизимига эга автомобиллар двигателларининг эксплуатациясини асослаш ва таъминлаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси ёки илмий тадқиқот марказининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети, “UzAuto Motors” ва “Ўзавтосаноат” АЖ миқёсидаги лойиҳалар асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маълум эксплуатация шароитлари учун мехатрон бошқарув тизимига эга бўлган кичик синифдаги автомобилларнинг двигателларини эксплуатацион кўрсаткичларини асослаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

катализаторни алмаштиришда, аралашманинг таркибига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда двигателни мехатрон бошқарувининг математик моделини ишлаб чиқиш;

двигателни электрон бошқариш тизимига киритилаётган кислород датчиги мехатрон адаптерининг параметрларини асослаш;

кислород датчиги мехатрон адаптери мавжуд автомобил двигателининг электрон бошқарув тизими экспериментал тадқиқотларини ўтказиш;

двигателни бошқарув тизимига кислород датчигининг мехатрон адаптерини киритиш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида автомобиль двигателининг мехатрон бошқарув тизими олинган.

Тадқиқот предмети. Кислород датчиги адаптерини двигател мехатрон бошқарув тизими билан интеграциялаш.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида мехатрон элементларни двигател ва автомобилларда ишлатилишида илгари бажарилган назария ва экспериментал ишларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш усуллари, назарий ва экспериментал тадқиқотлар, автомобиллар назарияси, автоматик бошқарув назарияси қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

катализаторни алмаштиришда, аралашманинг таркибига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, кислород датчиги мехатрон адаптери билан автомобил двигателини бошқаришнинг математик модели ишлаб чиқилган;

Евро 3, 4 ва 5 стандартли катализаторларни қўллаган ҳолда

двигателларни оптимал ишлаш режимларни танлаш учун кислород датчиги мехатрон адаптеридан фойдаланиб, двигателни мехатрон бошқариш тизимининг аналитик алгоритми яратилган;

двигател бошқарув органларига маълумотларни узатиш, мослаштириш ва калибровка қилиш учун кислород датчиги мехатрон адаптери таклиф қилинган ва унинг самарадорлиги амалий тадқиқотлар натижалари билан асосланган;

кислород датчиги мехатрон адаптеридан фойдаланганда мехатрон бошқарув тизимига эга автомобил двигателларининг ёнилғи-иқтисодий ва экологик кўрсаткичлари аналитик натижалари ва амалий тадқиқотлар натижалари асосида такомиллаштирилган;

автомобил двигателини мехатрон бошқариш тизимининг кислород датчиги мехатрон адаптери хусусиятларини танлаш амалий усули ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

енгил автомобил ишлаб чиқарувчилари учун маълум бир платформадаги автомобилларда турли катализаторлар қўлланилганда автомобил двигателининг мехатрон бошқарув тизимини мослаштириш технологияси ишлаб чиқилди;

двигателларни ишлаб чиқарилишида кислород датчигини адаптеридан фойдаланиш, мослашувчан ҳолда катализаторбилан қайта жиҳозлаш асосланди ва жорий қилинди;

автомобилларнинг мехатрон элементларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, ёнилғи самарадорлигини 8% оширишга ва Евро 3, Евро 4 ва Евро 5 тизимлари билан ишлайдиган двигателнинг атроф-муҳит кўрсаткичларини яхшилашга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги экспериментал тадқиқотлар, назарий механика ва олий математика тамойилларига асосланган машина параметрлари ва иш режимларини назарий асослашнинг замонавий усуллари ва воситаларни қўллаш билан тасдиқланади. Экспериментал тадқиқотлар натижалари математик ва статистик усуллар билан қайта ишланади, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги уларни ишлаб чиқариш жараёнига киритилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти автомобил двигателининг мехатрон бошқарув тизимидаги кислород датчиги адаптери хусусиятларини танлашнинг аналитик боғлиқликлари ва ҳисоблаш орқали ишлаб чиқилган усул билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти двигателнинг кислород датчиги адаптери ишлаб чиқилган ва ўрнатилгани билан тасдиқланади, бу ишлаб чиқариш жараёнида конвертация қилинган двигател катализатори билан минимал вақт ичида автомобилнинг мехатрон тизимини оптималлаштириш ва мослаштириш имконини беради. Мехатрон тизим

туфайли тўғри бошқариш, шунингдек двигател ва тизимнинг иш режимларини тўғри ҳисоблаш. Яхши таснифларга эришиш учун ушбу режимларда ишлашни тўғри оптималлаштириш ҳам талаб қилинади. Ишлаб чиқилган адаптер автомобилнинг мехатрон тизимини такомиллаштириш, автомобилнинг чикинди газларидаги ифлослантирувчи моддалар миқдорини оптималлаштириш ва ёнилғи самарадорлигини ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мехатрон бошқарув тизимли автомобилларни двигателларини эксплуатацион кўрсаткичларини асослашда олинган илмий натижалар асосида:

“UzAuto Motors” АЖ енгил автомобил ишлаб чиқарувчилари учун маълум бир платформадаги автомобилларда ҳар хил катализаторлардан фойдаланган ҳолда автомобил двигателининг мехатрон бошқарув тизимини мослаштириш технологияси яратилди (“Ўзавтосаноат” АЖ 2021 йил 26 майдаги №07/06-25-870-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида автомобиль двигателини мехатрон бошқарув тизимига, ҳар хил катализаторлардан фойдаланган ҳолда кислород датчиги мехатрон адаптери интеграция қилинди, автомобиль мехатрон қурилмалари ишончилиги оширилди ва ЭББ га улаш сигналларини йўқотилишлари камайтирилди;

“UzAuto Motors” АЖ да двигателларни ишлаб чиқариш, мослашувчан қайта жиҳозлаш ва каталитик конверторларни жорий этиш учун кислород датчиги мехатрон адаптери асосланди (“Ўзавтосаноат” АЖ 2021 йил 26 майдаги №07/06-25-870-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида иқтисодий ва энергия ресурс тежамкорлиги оширилди, экологик талабларга мувофиқлигини таъминлади ҳамда тадқиқотни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш натижасида тўғридан тўғри автомобиль ишлаб чиқарилишини ошириш имкони яратилган;

“UzAuto Motors” АЖ да автомобилнинг мехатрон элементларини бошқариш тизими такомиллаштирилди, бу ёнилғи сарифини 8% га ошириш ва Евро 3, Евро 4 ва Евро 5 тизимли двигателларнинг экологик кўрсаткичларини яхшилаш имконини берди ва жорий қилинди (“Ўзавтосаноат” АЖ 2021 йил 26 майдаги №07/06-25-870-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари T250 R3 Nexia автомобилларида ишлатилди, қўлланилган катализатор турига ва Евро стандартига қараб, битта автомобилдан 227,15 \$ долларгача сезиларли иқтисодий самарадорлик берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари “Ўзавтосаноат” АЖ; “UzAuto Motors” АЖ, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети; 10 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманлари ва семинарларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 23 дан зиёд илмий ишлар чоп этилган, шу жумладан 2 та хорижий журналларда, 4 таси миллий журналларда, илмий конференцияларда 16 та доклад ва тезислар ва 1 та патент.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари шакиллантирилган, шунингдек тадқиқотнинг объектлари ва субъектлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан, техника ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, изланувчи ҳал қиладиган вазифалар белгиланган. Бундан ташқари диссертациянинг умумий тузилиши ва тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги келтирилган.

Диссертациянинг **“Масаланинг ҳозирги ҳолати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш”** деб номланган биринчи бобида автомобил двигателларини мехатрон бошқарув тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси бўйича адабиётлар таҳлили бажарилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган. Мехатрон бошқарув тизимига эга автомобил двигатели, иккита тақсимлаш валли, бензинли ва ўт олдириш, свечлар орқали амалга ошириладиган тадқиқот объекти таҳлил қилинган.

Двигателни бошқариш тизимига эга тадқиқот объектининг асосий компонентлари 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Двигателни бошқариш тизими. Тадқиқот объектининг асосий таркибий қисмлари: 1- дроссел заслонкаси; 2- картерни мажбурий шамоллатиш клапани; 3- совитиш датчиги; 4- мой босими датчиги; 5- детонация датчиги; 6- ёнилғи инжекторлари; 7- тирсакли вал ҳолати датчиги; 8- тирсакли вал ҳолати датчиги; 9- кислород датчиги; 10- тақсимлаш вали ҳолати датчиги; 11- ёнилғи тизимининг қайтиш қилапани; 12- ҳаво сарифи датчиги; 13- ҳаво харорати датчиги; 14- ўт олдириш модули ва ғалтаклари; 15- мутлоқ босим датчиги; 16- чиқинди газларни рециркуляция клапани; 17- электрон бошқарув блоки.


Тизим датчиклардан маълумотларни олган ҳолда, алгоритмлар ва калибровка хусусиятларига асосланиб маълумотларни қайта ишлайди ва

шифрини очади, ҳамда электромеханик актуаторларга сигналларни юборади. Таъкидланганидек тадқиқот объекти кенг кўламли янгиланиш элементларини ўз ичига олган, мураккаб конструкцияга эга, яъни мехатрон элементлар билан жиҳозлашнинг бир талабдан бошқа талабга ўзгартиришга мўлжалланган. Бу, ўз навбатида талабларнинг кенг доирасини қамраб олалади, лекин бошқа автомобил агрегатлари билан интеграциясини мураккаблаштиради. Масалан, 7 ва 8 элементлар Евро 2 талабининг В синифи учун ихтиёрийдир, лекин улар Евро 4 ва ундан юқори талаблар В синифлари учун мажбурийдир.

Тадқиқот объектида ёнилғи-ҳаво аралашмасини етказиб берилишини назорат қилиш кўриб чиқилган. Ёнилғи-ҳаво аралашмасини бошқариш алгоритми 2-расмда келтирилган. Ёнилғи-ҳаво аралашмасини бошқариш тизими қуйдагиларни бошқариш керак:

- цилиндрга киритиладиган ҳаво массасини аниқлаш;
- ўрнатилган ёнилғи-ҳаво аралашмасининг нисбати бўйича коллекторга (ёки цилиндрга) ёнилғи етказиб бериш.

Тадқиқот объектида жараёнларни узлуксиз такомиллаштириш учун ёпик схемадан фойдаланиш таклиф этилади.



2-расм. Ёнилғи-ҳаво аралашмасини бошқариш алгоритми

Диссертациянинг “Мехатрон бошқарув тизимли автомобил двигателини эксплуатацион кўрсаткичлари” деб номланган иккинчи бобида ихтиёрий элемент сифатида кислород датчиги адаптеридан фойдаланган ҳолда автомобил двигателини бошқариш математик моделлаштириш натижалари келтирилган.

Двигателни бошқариш моделининг чиқарилиши. Ички ёнув двигатели кислород датчиги сигналига қараб, ички ёнув двигателини бошқариладиган қийматга нисбатан – пуркаш ва ўт олдиришни тасвирлайдиган математик боғлиқликни аниқлаймиз. Бу тенгламанинг ечими валнинг айланишлар

частотасини, пуркаш вақти ва ўт олдиришни илгарилигига боғлиқлигини олиш имконини беради.


Наддувсиз двигател учун тирсакли вал айланиш частотаси ω нинг дифференциал чизиқли тенгламаси қуйидагича:

$$T_D \frac{d\omega(t)}{dt} + K_D \omega(t) = h(t) - T_C M_C(t). \quad (2.1)$$

бу ерда, $\omega(t)$ – тирсакли валнинг айланишлар частотаси; $h(t)$ – ёнилғи пуркаш ва учқун бериш вақти; $M_C(t)$ – юкланиш кўрсаткичи; t – вақт; T_D , K_D , T_C – двигателни конструктив ўзига хослигини инобатга олувчи доимий кўрсаткичлар.

Умумий ҳолатда динамик объектларни идентификациялаш уларнинг тузилиши ва параметрларини ўлчанадиган маълумотлардан – кировчи ҳаракатлар ва чиқиш жараёнлари – аниқлашдан иборат бўлиб, параметрлари ўзгартирилиши мумкин бўлган конструкциянинг ростланиш модели ёрдамида амалга оширилади.

Мисол тариқасида, экспертиза объектининг (ЭО) узлуксиз мослаштирилладиган моделининг соддалаштирилган бир ўлчовли схемасини кўриб чиқамиз.



3-расм. Узлуксиз созланувчан моделнинг схемаси: u – кировчи бошқарувчи таъсир; x и w – ЭОнинг чиқувчи жараёнлари ва моделлари; n – таъсир кўрсатувчи параметр; F и G – алоқа операторлари

$$E = L[q(e)] \rightarrow \min \quad (2.2)$$

бу ерда L – жуфт функциядан функционал $q(e)$, $e = y - w$ - идентификация хатоси, $w = G[u; \alpha]$. G моделининг мослаштирилиши $\alpha^T = (\alpha_1, \dots, \alpha_m)$ параметрларини ўзгартирилиши орқали E градиентининг қийматига мувофиқ амалга оширилади:

$$\frac{d\alpha}{dt} = -\gamma \nabla E \quad (2.3)$$

бу ерда $\gamma = \alpha(0)$ – бошланғич шартлар. Градиент векторининг компонентлари дифференциаллаш орқали аниқланади:

$$\frac{\partial E}{\partial \alpha_j} = L \left[\frac{\partial q(e)}{\partial e} \frac{\partial e}{\partial \alpha_j} \right]; \frac{\partial e}{\partial \alpha_j} = -\frac{\partial w}{\partial \alpha_j} = -\frac{\partial G[u; \alpha]}{\partial \alpha_j}$$

$\partial w / \partial \alpha_j$ бу ерда α_j параметрининг сезувчанлик функциясиدير (СФ).

Градиент E

$$\nabla E = -L \left[\frac{\partial q(e)}{\partial e} K[u; \alpha] \right] \quad (2.4)$$

бу ерда, $K_j[u; \alpha] = \frac{\partial G[u; \alpha]}{\partial \alpha_j}$. $K_{AKD}[u; \alpha]$ бу ерда, α параметрининг барча

сезувчанлик функцияларини олишга имкон беради.

$K_{AKD} = \alpha \pm u$, бу ерда, α куйидаги диапазонга эга $\alpha = (0 \div 0,9)$.

Шундай қилиб, ўзгарувчан моделнинг параметрларининг сезувчанлик функциясини ҳисоблаш, кейин эса двигателни идентификация ҳолатини аниқлаш учун, ИЁД динамикаси моделидан фойдаланиб пуркаш вақтини двигателни тирсақли валининг бурчак тезлигига нисбатан ҳисобланади.

Кислород датчиги адаптери бўлган двигател учун, ўрганиш объекти учун (2.1) тенгламага тузатиш коэффициенти K_{AKD} ни киритамиз

$$T_D \frac{d\omega(t)}{dt} + K_D \omega(t) = h(t) \cdot (\alpha \pm u) - T_C M_C(t). \quad (2.5)$$

(2.1) формуладан ёнилғини узитиш ва учқун бериш вақтини $h(t)$ келтириб чиқарамиз:

$$h(t) = \frac{T_D}{(\alpha \pm u)} \cdot \frac{d\omega(t)}{dt} + \frac{K_D}{(\alpha \pm u)} \cdot \omega(t) + \frac{T_C M_C(t)}{(\alpha \pm u)}. \quad (2.6)$$

Синаш жараёнида ИЁД бир ҳолатидан иккинчи ҳолатига ўтиш учун t_i ва ω_i олинади. t_i и ω_i айнан шу ҳолат учун олинadиган кўрсаткичлар, i – ҳолатдан ҳолатга ўтиш нуқтаси.

Белгиланган вақт оралиғида частоталар ўзгариши бўлимлари тўғри чизик тенгламаси билан ифодаланиши мумкин, бу ерда ω_i – двигател валини айланишлар частотасининг t_i вақтида бошланғич қиймати, ω_{i+1} – двигателни валини айланишлар частотасини t_{i+1} вақтида охириги талаб қилинган қиймати.

$\omega(t)$ боғлиқлик кейинги кўринишга эга бўлади

$$\omega(t) = \frac{\omega_{i+1} - \omega_i}{t_{i+1} - t_i} \cdot t - \frac{t_i(\omega_{i+1} - \omega_i)}{t_{i+1} - t_i} + \omega_i, \quad (2.7)$$

бу ерда, $i = \overline{1, n}$; n – ИЁДни бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш нуқталари сони.

(2.5) тенглама ва берилган частоталарни ўзариш кўрсаткичлари бўйича $h(t)$ ни куйдаги тенглама билан ифодалаймиз:

$$h(t) = \frac{T_D}{(\alpha \pm u)} \cdot \frac{\omega_{i+1} - \omega_i}{t_{i+1} - t_i} + \frac{K_D}{(\alpha \pm u)} \cdot \frac{\omega_{i+1} - \omega_i}{t_{i+1} - t_i} \cdot t - \frac{K_D}{(\alpha \pm u)} \cdot \frac{t_i(\omega_{i+1} - \omega_i)}{t_{i+1} - t_i} + \frac{K_D \omega_i}{(\alpha \pm u)} + \frac{T_C M_C(t)}{(\alpha \pm u)}, \quad (2.8)$$

бу ерда, $i = \overline{1, n}$.

Тенглама натижасида олинган ҳисоблар, иккита кирувчи кўрсаткич: ёнилғи пуркаш вақти ва двигател валдаги айланишлар частотаси ўзгариши бўйича синов объектини (ИЁД) бошқариш имкониятини беради.

Моделда $\alpha \pm u$ мехатрон адаптер хусусиятларини ифодаловчи K_{AKD} катталикни киритамиз, у ёнилғи пуркаш вақтини тирсақли валининг айланишлар частотасига нисбатан ростлайди.


Тадқиқот объектининг тенгламаси қуйдаги якуний кўринишга эга бўлади:

$$h(t) = \frac{T_D}{K_{AKD}} \cdot \frac{\omega_{i+1} - \omega_i}{t_{i+1} - t_i} + \frac{K_D}{K_{AKD}} \cdot \frac{\omega_{i+1} - \omega_i}{t_{i+1} - t_i} \cdot t - \frac{K_D}{K_{AKD}} \cdot \frac{t_i(\omega_{i+1} - \omega_i)}{t_{i+1} - t_i} + \frac{K_D \omega_i}{K_{AKD}} + \frac{T_C M_C(t)}{K_{AKD}} \quad (2.9)$$

Унинг ёрдами билан коллекторга ёнилғи пуркалиш вақти ва учкун бериш вақти аниқланади.

Тенглама двигателни бошқариш тизими (ЭББ) киритилади ва ҳар бир двигател турига хос бўлган калибрлаш маълумотларига асосланиб, ёнилғи пуркаш вақти сигналини назорат қилади.

Мехатрон бошқарув тизими адаптери қўлланилган, ёнилғи таъминотли ва уч компонентли ишлатилган газлар катализаторига эга бензинли ИЁДларни моделини бошқариш алгоритми 4-расмда келтиридган.



4-расм. Кислород датчиги мехатрон адаптерини ҳисобга олган ҳолда, минимал ёнилғи сарифи ва чиқинди газларни таркиби бўйича ростловчи объекти сифатида ички ёнув двигателининг мехатрон бошқарув моделини бошқариш алгоритми: 1 - ИЁД бошварувчи контроллер; 2 – ёнилғи пуркаш блоки; 3 – киришдаги босим датчиги сигнали P_k (ИЁД юкланиши); 4 – ИЁДнинг кириш кувирдаги дроссел заслонкаси ДВС; 5 – ёнилғини циклик узатилиши (ёнилғи сарфи) ва ҳавони (ҳаво сарфи); 6 – ўт олдириш тизими; 7 – ИЁД индикатор ва ишчи жараёнларининг параметрлари (ИЁД математик моделини параметрлари);

O_2 – кислород концентрацияси; 9 – ИЁД юкланишининг параметрлари; 10 – двигателни чиқариш йўлаги; 11 – ишлатилган газларнинг кислород датчиги;

12 – ишлатилган газларнинг катализатори; 13 – кислород датчигини мехатрон адаптери.

Двигателнинг математик моделига мувофиқ бундай мехатрон тизимни бошқарилишини мослаштириш алгоритми қуйидаги босқичларга эга:

1. Двигателни дастлабки комплектациясини танлаш (бу ҳолда ўт олдириш тизими, ёнилғи пуркаш тизими, датчиклар, адаптерлар ва актуаторлар);

2. Двигател модели параметрларини экспериментал равишда аниқлаш орқали, унинг адекватлигини текшириш;

3. Бошқарув блоки доимий процессорнинг ҳотира қисмида сақланиши керак бўлган бошқарув матрицасининг мос ёзувлар нукталарини аниқлаш билан, ҳайдаш цикли бажаришда ички ёнув двигателининг иш режимларини ҳисоблаш. Асосий параметрлари бу, ўт олдириш бурчаги, ёнилғини циклли узатилиши, ҳаво циклли узатилишига нисбати ёки дроссел заслонкасининг ҳолати, совитиш суюқлигининг ҳарорати ва кислород датчиги мехатрон адаптери параметрлари;

4. Бошқарув тузилмасини шакллантириш;

5. Кўрсаткичларнинг эришилган даражасини ҳисобий баҳолаш. Бошқарув самарадорлиги ҳолатида ҳисобий оптималлаштириш амалга оширилади ва самарадорлик бўлмаса ҳисоб олдинги босқичлардан қайта тикланади;

6. Минимал ёнилғи сарифи ва двигателни оптимал динамикасини таъминловчи ростлани олиш мақсадида ҳайдаш цикли зонасидан ташқаридаги чиқинди газларнинг заҳарлилиги бўйича чекловларсиз оптимал бошқаришни ҳисобий аниқлаш;


7. Ёнилғини пуркаш ва ўт олдириш бўйича бошқарув матрицаси базасини шакиллантириш.

Диссертация ишида кислород датчиги мехатрон адаптерини ҳисобга олган ҳолда автомобил ички ёнув двигателининг бошқарув занжири ҳисоби берилган.

Мехатрон тизим элементларининг ўзгариши ички ёнув двигателининг ёнилғи пуркаш тизимининг беқарор ишлашига олиб келиши мумкин. Элементлардан бирини кўриб чиқамиз, чиқишдаги кислород датчиги. Унинг сигналига қараб, ёнилғи миқдори дозаланаяди, у ёниш камерасига (киритиш коллекторида) пуркалади ва ҳаво-ёнилғи аралашмаси ҳосил бўлади. Катализаторлар эскирганида, кислород датчигининг ўзи ишламай қолади ёки катализатор бошқа турдаги Евро стандартига алмаштирилганда, чиқинди газларидаги кислородни аниқлаш датчикларидан келган сигналларни мослаштиришда муаммолар бўлиши мумкин.

Электр сигнали параметрларини мослаштирувчи конверторнинг функционал схемаси 5-расмда кўрсатилган. Двигателни мехатрон бошқарув тизимига адаптердан сигнал келади, у кислород датчиги сигналени конвертация қилади. Индукция токи VD1 диод орқали ўтиб, C конденсаторини заряд қилади. Жараён такрорланиши натижасида конденсатордаги кучланиш ортади. VD1 диоди C конденсаторини борт тармоғи орқали заряд олишига йўл қўймайди. VD2 стабилитрони узулмагунча кучланиш ортади, бу ҳолда адаптердан чиқувчи кучланиш нолга тенг бўлади.

C конденсаторининг зарядланиши тўхтайди. Шундай қилиб, кучланишни ортиб кетишидан ҳимоялаш амалга оширилади.




5-расм. Электр энергияси параметрларини мослашувчан конверторининг функционал схемаси

Ишлаш режимида конденсатор C зарядланиши керак бўлган кучланиш, двигателни бошқариш тизими сигнали орқали амалга оширилади ва двигателнинг иш режимига боғлиқ бўлади.

Диссертациянинг “**Автомобил двигателининг мехатрон бошқарув тизимининг элементларини амалий тадқиқотлари**” деб номланган учинчи бобида синов методологияси, двигателни стенд синовлари натижалари (ўт олдиришсиз ва иссиқ синовлар) шунингдек Nexia 3 (T250) автомобили ва унинг маҳаллий ишлаб чиқаришдаги B15D2 двигателини муаллиф таклиф қилган методлар усулда асослаш.

Муаллиф томонидан ишлаб чиқарилган автомобил ички ёнув двигателининг кислород датчиги (T250 B15D2) мехатрон адаптери 6-расмда кўрсатилган, синов ускуналари томонидан бошқариладиган электрон элементлардан иборат. Кислород датчиги адаптерининг мақсади автомобилларда стандарт катализаторлар ўрнига турли Евро стандартидаги катализаторлардан фойдаланилганда автомобилнинг мехатрон бошқарув тизимини мослаштириш.

T250 (Nexia R3) автомобилида бир турдаги Евро катализаторини ўрнига бошқа турдаги Евро катализатори қўлланилганда, ички ёнув двигателининг мехатрон бошқарув тизимининг тўғри ишлаши учун иккинчи кислород датчигини мослаштиришини талаб қилинади, бу жараён мехатрон адаптери ёрдамида иккинчи кислород датчигини мослаштириш орқали эришилади.




6-расм. Автомобил ички ёнув двигателининг кислород датчигини мехатрон адаптери

Бир турдаги Евро катализатори бошқа турдаги Евро катализаторини ўрнига, T250 платформадаги (Nexia R3) автомобилида қўлланилганда, иккинчи кислород датчиги чиқинди газлар таркибининг юқори қийматини қайд қилади, шунинг учун – check engine ёнади, қувват камайши мумкин, автомобилнинг тезланиш хусусиятлари ёмонлашади.

Иккинчи кислород датчиги, катализатордан чиқадиган газлардаги кислород миқдорини ўлчаш орқали катализаторнинг самарадорлигини назорат қилади. Агар кислород ва зарарли моддалар орасидаги кимёвий реакция натижасида барча кислород сўрилса, датчик юқори кучланишли сигнал ҳосил қилади.

Автомобилнинг ички ёнув двигателини мехатрон бошқарув тизимида, кислород датчиги адаптерининг уланишининг умумий кўриниши 7-расмда келтирилган.




7-расм. Автомобил двигателини мехатрон бошқарув тизимида, кислород датчиги адаптерининг уланишининг умумий кўриниши

Кислород датчиги мехатрон адаптери билан ва адптерсиз ҳолда кислород датчиги сигналларнинг характерли қийматларини турли Евро стандартларда таққосланиши ва кислород датчигининг мехатрон адаптерини асосий кўрсаткичи – кучланиш қиймати ва электрон бошқарув блокига сигнални етказиб беришнинг тўғри вақти 8-расмда келтирилган.



8-расм. Кислород датчиги мехатрон адаптери билан ва адптерсиз холда кислород датчиги сигналларнинг характерли қийматларини ҳар хил Евро стандартларда таққосланиши

9-расмда B15D2 Nexia 3 (T250) двигателининг ташқи тезлик таснифи келтирилган. Натижалар белгиланган талабларга ва зарур техник хусусиятларга жавоб беради.



Айланишлар сони, x 100 об/мин


9-расм. Двигателнинг ташқи тезлик таснифи (T250 B15D2)

Яшил қаттиқ чизик – кислород датчигини мехатрон адаптери ишлатилмаган Евро 5 катализаторли (T250 B15D2) двигатели;

Катта қизил нуқта чизик – кислород датчигини мехатрон адаптери ишлатилмаган Евро 3 катализаторли (T250 B15D2) двигатели;

Майда кўк нуқта чизик – кислород датчигини мехатрон адаптери ишлатилган Евро 3 катализаторли (T250 B15D2) двигатели.

10-расмдаги графикда, синов ускунаси томонидан ЭББ га двигателнинг айланиш частотаси ҳақидаги юборилган сигналлар, иссиқ синов сдендидаги айланишлар частотасини ўлчаш мосламасидан олинган қийматларга мос келиши кўрсатилган.




10-расм. Электрон бошқарув қурилма ва бошқарувини адекватлигини текшириш

Синов стендидан ва синов қилинаётган двигателнинг ЭББга уланган диагностика мосламасидан олинган двигател хусусиятларининг таққосланишига кўра, таҳлил шуни кўрсатдики, кислород датчиги мехатрон адаптерининг мавжудлиги салбий таъсир кўрсатмайди, сигналларни ЭББдан актуаторларга узатишда олинган қийматлар ва графиклар бир хил эди.

11-расмда турли Евро стандартлар ва катализаторлардан фойдаланган ҳолда, кислород датчигини мехатрон адаптери қўлланилганида ва қўлланилмаганда, B15D2 маркали двигателли Nexia 3 (T250) автомобилни мехатрон бошқарув тизимини калибровкалаш ва ўлчовларни олиш келтирилган.





11-расм. Турли Евро стандартлар ва катализаторлардан фойдаланиб, кислород датчигини мехатрон адаптерини қўлланилганида ва қўлланилмаганда, B15D2 маркали двигателли Nexia 3 (T250) автомобилни мехатрон бошқарув тизимини калибровкаш ва ўлчовларни олиш

Nexia 3 LTZ автомобилнинг кислород датчиги мехатрон адаптеридан фойдаланишдан олдин ва кейнги ёнилғи сарфининг ўзгариши натижалари ва уларни баҳолаш 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Евро 3 катализаторли автомат узатмали (АТ) Nexia 3 LTZ кислород датчиги мехатрон адаптеридан фойдаланишдан олдин ва кейнги ёнилғи сарфининг ўзгариши натижалари ва уларни баҳолаш

Синов тури	Ўлчовлар сони	Кислород датчиги билан	Кислород датчиги мехатрон адаптери қўлланилганда	Рухсат этилган қиймат (<i>Ts</i> 15359652-022:2015 п.3.2.34)	
90 км/с тезликдаги ёнилғи сарфи, л/100 км	1	7,62	7,59	7,03	8,0
	2	7,84			
	3	7,53			
	4	7,37			
120 км/с тезликдаги ёнилғи сарфи, л/100 км	1	9,98	9,74	9,02	10,0
	2	9,80			
	3	9,66			
	4	9,52			
Шаҳар циклидаги ёнилғи сарфи, л/100 км	1	10,17	10,09	9,49	11,0
	2	10,22			
	3	10,05			
	4	9,93			

2-жадвалда келтирилган ҳар хил Евро стандартлари ва катализаторлари билан тадқиқот объектининг натижалари ГОСТ 17.2.2.03-87 талаблари бўйича экологик синфлар меъёрларининг 1.2 бандига жавоб беради.

2-жадвал

B15D2 двигателли (T250) Nexia 3 LTZ механик (MT) ва автомат (AT) трансмиссияли тадқиқот объектининг Европа сертификатларига мувофиқ экологик синфларининг стандарт ва мейёрлари бўйича натижалар

Кислород датчиги мехатрон адаптери билан ва адаптерсиз қўлланилган Евро стандарт ва катализатор тури	Ишлатилган газлар концентрацияси				
	Бензинли двигателлар				
	СО мг/км	НС мг/км	NMHC мг/км	NO _x мг/км	CH+NO _x мг/км
Nexia 3 (T250) MT, Евро 5 (адаптерсиз)	476,7	76	26,2	28	-
Nexia 3 (T250) AT, Евро 5 (адаптерсиз)	598,5	65	31,8	32	-
Nexia 3 (T250) MT, Евро 3 (адаптер билан)	542	175	-	121	-
Nexia 3 (T250) AT, Евро 3 (адаптер билан)	497	168	-	130	-
Nexia 3 (T250) MT, Евро 3 (адаптерсиз)	600	195	-	152	-
Nexia 3 (T250) AT, Евро 3 (адаптерсиз)	420	182	-	164	-

Диссертациянинг “**Техник-иқтисодий асослаш**” деб номланган тўртинчи бобда илмий изланиш асосий натижаларининг ишлаб чиқариш ва ўқув жараёнига тадбиқ этишдан олинган техник-иқтисодий натижаларга бағишланган.

Nexia 3 (T250) автомобилени ишлаб чиқариш жараёнига ички ёнув двигателининг кислород датчиги адаптери билан биргаликда илатилаётган катализатор ва Евро стандартга боғлиқ равишда жорий этишнинг техник-иқтисодий самарадорлиги, битта автомобил учун 227,15 \$ АҚШ долларини ташкил этади.

Шаҳар режимида кислород датчиги адаптери кўлланилган двигател 8% ёнилғи тежайди, бу B15D2 двигателидаги кислород датчиги адаптерисизга нисбатан 0,832 литр/100 км фарқ килади. Ўртача ҳисобда йиллик 20000 км йўл учун, бу кўрсаткич 166 литрни ташкил этади, натижада (бензин нарҳи 6900 сум/литрга) бир автомобилдан йилига 1 145 400 сум тежалади.

Тадқиқот натижалари “Ички ёнув двигателларини ишлаб чиқариш”, “Автомобил ва тракторларнинг электр жиҳозлари ва электрон бошқаруви” ва “Ички ёнув двигателларни автоматик бошқариш” фанлари бўйича Тошкент Давлат Техника Университети талабалари учун мулжалланган маърузалар ва амалий ишларга киратилган. Жорий этилган бошқарув тизими ва мехатрон элементларнинг экологик таъсири “Мехатроника. Автомобилларнинг эксплуатацион кўрсаткичлари” деб номланган, Тошкент автомобил йўлларни лойҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш институтида, “Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси” мутахассислиги бўйича замонавий автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи иқтидорли талабалар магистрантлар учун мўлжалланган монографияда ёритилган.

ХУЛОСА

“Мехатрон бошқарув тизимли автомобилларни двигателларини эксплуатацион кўрсаткичларини асослаш” мавзусида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйдаги хулоса келтирилган:

1. Катализатор алмаштирилишининг аралашма таркибига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, автомобил двигателини мехатрон бошқаришнинг математик модели ишлаб чиқилган.

2. Евро стандартлар ва катализаторларнинг турли конфигурациялари ва оптимал режимларини танлаш учун, кислород датчиги мехатрон адаптери кўлланилган двигателни мехатрон бошқариш тизими учун алгоритм яратилган.

3. Двигателни электрон бошқариш тизими кислород датчиги мехатрон адаптернинг параметрлари асосланган.

4. Кислород датчиги мехатрон адаптеридан фойдаланилганда мехатрон бошқарув тизимига эга автомобил двигателларининг ёнилғи-иқтисодий ва экологик кўрсаткичлари асосланди.

5. Автомобил двигателининг мехатрон бошқарув тизимида кислород датчиги адаптери хусусиятларини танлаш усули ишлаб чиқилди.

6. Экспериментал тадқиқотлар натижаларига кўра, максимал қувват, момент, чиқинди газлардаги захарли элементлар ва ёнилғи сарифи аниқданди ҳамда унинг миқдори кислород датчиги мехатрон адаптери билан ишлайдиган двигателда, ундан фойдаланилмаганга нисбатан 8% яхшиланди.

7. Автомобилларни ишлаб чиқарувчилар учун, маълум бир платформадаги автомобилларда турли катализаторлардан фойдаланиш,

автомобил двигателининг мехатрон бошқарув тизимини мослаштириш технологияси яратилди.

8. Катализаторларни мослашувчан қайта жиҳозлаш учун двигателни бошқариш тизимида кислород датчиги мехатрон адаптеридан фойдаланиш самарадорлиги асосланди ва жорий этилди.

9. Nexia 3 (T250) автомобилни ишлаб чиқариш жараёнига ички ёнув двигателининг кислород датчиги адаптери билан биргаликда илатилаётган катализатор ва Евро стандартга боғлиқ равишда жорий этишнинг техник-иқтисодий самарадорлиги, битта автомобил учун 227,15 \$ АҚШ долларини ташкил этади. Бу “Ўзавтосаноат” АЖнинг 2021 йил 26 майдаги 07/06-25-870 - сонли гувоҳномаси билан тасдиқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕННЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТУРИНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ В ГОРОДЕ
ТАШКЕНТЕ**

УМЕРОВ ФИКРЕТ ШЕВКЕТ ОГЛУ

**ОБОСНОВАНИЕ ЭКСПЛУАТАЦИОННЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ
ДВИГАТЕЛЕЙ АВТОМОБИЛЕЙ С МЕХАТРОННОЙ СИСТЕМОЙ
УПРАВЛЕНИЯ**

05.08.06 – Колёсные и гусеничные машины и их эксплуатация

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за комиссиясида № В2020.4.PhD/T2004.

Диссертация выполнена в Туринском политехническом университете в городе Ташкенте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tau1.uz) и Информационно образовательном портале "Ziyounet" (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:	Иноятходжаев Жамшид Шухригуллаевич, доктор технических наук
Официальные оппоненты:	Мухитдинов Азмат Анварович, доктор технических наук, профессор Калауов Сайдулла Аймаханович, кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «15» 10 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.18/30.12.2019.T.09.01 при Ташкентском государственном транспортном университете. (Адрес: 100167, г. Ташкент, улица Адылходжаева, 1. Тел./факс: (998-71)-277-54-87, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно ресурсном центре Ташкентском государственном транспортном университете (Адрес: 100167, г. Ташкент улица Адылходжаева, 1. Тел./факс: (998-71)-277-54-87, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «08» 10 2021 года.
(реестр протокол рассылки № «7» от «08» 10 2021 года).



А.А.Рискулов
Член-председатель научного совета
по присуждению учёной степени,
д.т.н., профессор

Р.М. Худайкулов
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
PhD, доцент.

А.А.Мухитдинов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учённых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Производители автомобилей во всем мире уделяют большое внимание использованию мехатронных систем для улучшения эксплуатационных показателей и безопасности автомобилей. На сегодняшний день в мире одной из важных проблем является экономичное использование ресурсов и энергии, а также охрана окружающей среды при эксплуатации двигателей автомобилей. Данное диссертационное исследование является актуальным и направлено на частичное решение данной проблемы с помощью обоснования эксплуатационных показателей двигателей автомобилей с мехатронными системами управления. Эти проблемы изучают такие страны как Германия, США, Япония, Франция, Италия, Южная Корея, Великобритания и другие.

В мире за последние годы и недалеком будущем основные инновации в системах автомобиля связаны с мехатроникой. Развитие мехатронных систем автомобилей имеют все большее значение в управлении всеми системами автомобиля и из года в год их производство в автомобилестроении увеличивается. Три основные части автомобиля – двигатель, шасси и интерьер модернизируются путем изменения механических элементов, а также внедрением в них мехатронного управления. К 2017-му ситуация кардинально изменилась и показатели стали следующие: 100 и более 80 процентов соответственно. Увеличение количества электронных систем привело и к росту их доли в себестоимости автомобиля: в 2018-м она составляла 18 процентов, в 2020-м – 40, а прогноз на 2030 год – 50 процентов. Движущей силой такого рода изменений служит улучшение функций и эффективности с производством электроники. Естественно, применение достижений современной электроники существенно изменяет цену компонентов и имеет важность при усовершенствовании.

В нашей Республике автомобильная промышленность занимает одно из ведущих мест в экономике. ВВП доли отрасли автомобилестроения страны составила 3,6%, в промышленном секторе – 11,7%, выплаты в бюджет в виде налогов и других платежей – 1,6 трлн суммов. (2018 г.). Ежегодно производится до 250 тысяч автомобилей, в 2019 году выпуск автомобилей достиг 270 тысяч единиц. В последнее время увеличение потока автомобилей в Узбекистане привело к проблеме пробок на городских дорогах. Это вызывает целый спектр негативных явлений, но наиболее ощутимыми из них являются проблемы экологической и экономической безопасности автомобилей. На сегодняшний день требование к топливной экономичности и качеству самого топлива для обеспечения экологических показателей двигателя является одной из важнейших задач, которые пытаются решить различными изменениями и оптимизированием конструктивных параметров двигателя, его систем и применением мехатронного управления двигателя. Процессами в современном двигателе управляют мехатронные системы имеющие связи со всеми силовыми агрегатами автомобиля в том числе с подвеской, рулевым и тормозным управлением. С каждым годом тенденция развития

автомобилестроения ведет к ужесточению требований экономической эффективности, а также ужесточающийся нормы по выбросам газов с автомобилей.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит осуществлению поставленных задач государством, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-5647 от 1 февраля 2019 года “О мерах по конкретному совершенствованию системы государственного управления в сфере транспорта”, Указа Президента Республики Узбекистан №ПП-4397 от 18 июля 2019 года “О дополнительных мерах по ускоренному развитию автомобильной промышленности Республики Узбекистан”, Указа Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, а также в ряде других нормативно-правовых документах касательно данной деятельности.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики П. “Энергетика, энерго-ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение”.

Обзор международных научных исследований по теме диссертации. По направлению обоснование эксплуатационных показателей двигателей автомобилей с мехатронными системами управления, в основном, ведутся работы в исследовательских и дизайн-центрах лидеров мирового автомобилестроения. В направлении по использованию мехатронных систем и обоснованию их применения в системе управления силовыми агрегатами работают компании “Toyota” (Япония), “Nissan” (Япония), “Hyundai” (Южная Корея) используют мехатронные системы; “General Motors” (США), “Ford” (США), в компаниях “BMW”, “Mercedes-Benz” (Германия), “Fiat” (Италия) также исследуют свойства управления мехатронных систем в автомобилях и двигателях. Мехатронные системы управления позволяют гибко приспособлять электронные актуаторы двигателей под систему управления двигателем и автомобилем. В зависимости от используемых датчиков, актуаторов и программ управления они решают различные задачи и используют различные методы оптимизации при эксплуатации двигателей и автомобилей.

